

ТАЛАБАЛАРДА ИЖОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУШУНЧАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

ЖДПИ. Умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси Содиқова Д.

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда ижодий муносабатлар тафаққурини шакллантиришда тушунчалар ва уларни талабаларнинг онгига синдириш масаласи ёритилган.

Аннотация. В этой статье обсуждаются концепции формирования мышления творческих взаимоотношений будущих учителей и проблема их внедрения в сознание учащихся.

Annotation. This article discusses the concepts of shaping the thinking of creative relationships of future teachers and the problem of their introduction into the consciousness of students.

Калит сўзлар: ижодий муносабат, фикр, фикрлаш, ижодкорлик, илмий ижодкорлик, техник ижодкорлик, бадий ижодкорлик.

Ключевые слова: творческая установка, мышление, творчество, научное творчество, техническое творчество, художественное творчество, мысль.

Key words: creative attitude, thinking, creativity, scientific creativity, technical creativity, artistic creativity, thought.

Бугунги кунда давлатимиз рахбари тамонидан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳар бир педагогни ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланишга даъват этмоқда. Шунинг учун ёшларни тарбиялашда уларнинг онги ва қалбида ижодий муносабатлар тафаққурини шакллантириш заруриятини давр тақозо этмоқда. Олиб борилган бир қатор илмий тадқиқотлар шуни кўрсатиб турибдики, бугунги кунда замон билан ҳамнафас бўлиб яшаётган ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялашда қуйидагиларга эътиборларини қаратмоқда, булар:

- ота – оналарнинг ўзлари ибрат бўлиши;
- китобхонлик маданиятини шакллантириш;
- ижтимоий ҳаётда рўй бераётган воқеаларни кузатиш орқали тегишли муносабатларни билдириш;

Юқорида қайд этилган тарбиялаш тизими ҳам ўзига хослиги билан кадрли. Бироқ бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама мукамал инсон бўлиб етишини истасак, уларда ижодий муносабатлар тафаккурини шикллантиришга эътиборимизни қаратишимиз керак. Бундай муносабатга эга бўлган ёшлар жамият ва давлат равнақига ўзларинининг ҳиссаларини қўша олади. Улар ўз ватанига фойда келтириши билан бир қаторда умуминсоний кадриятларнинг гуллаб яшнашига шарт – шароитларни яратиб беради.

Ёшлар тафаккури замон талабига мос равишда шаклланиши учун давлатимиз томонидан қатор – қатор имкониятлар яратилмоқда.

«Фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш буйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз. Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: «Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат филиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ». Каранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!¹

Ҳаракатлар стратегияси, бешта ташаббус, Мактабгача таълимни ривожлантириш, Олий таълимни ривожлантириш, академиклар билан

¹Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2017.21-22-б

учрашув, президент мактабларининг ташкил қилиниши, олий таълимга киришнинг янгича йўллари, махсус мактаблар, замонавий коллеж ва техникумларнинг жаорий этилиши фикримизга яққол мисол бўла олади.

Талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантириш жараёнларида бир қатор тушунчаларни бўлажак ўқитувчиларга мантиққа таянган ҳолда тушунтириб бориш мақсадга мувофиқдир. Масалан тафаккур тушунчасини талабаларга англатиш борабарида ижодий муносабатлар ҳам шакллантирилади.

«Тафаккур(араб. фикрлаш, ақлий билиш) — инсон маънавиятининг таркибий қисми, билишнинг оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс эттирадиган ақлий босқичи. Тафаккур ибораси араб. "*фикр*" сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўйлаш, муҳокама, мушоҳада ва фикр юритиш маъноларини билдиради. Тафаккур куйидаги асосий хусусиятларга эга: 1) унда воқелик умумлашган ҳолда акс этади. Ҳиссий билишдан фарқли ўлароқ, Тафаккур бизга нарса ва ҳодисанинг номуҳим, иккинчи даражали (бу, одатда, билиш олдида турган вазифа билан белгиланади) белгиларидан фикран четлашган, мавҳумлашган ҳолда, эътиборимизни унинг умумий, муҳим, такрорланиб турувчи хус-ят ва муносабат ларига қаратишимизга имкон беради; 2) Тафаккур борлиқни билвосита акс эттиради. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилинади. Фикрлаш бунда нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади; 3) Тафаккур инсоннинг ижодий фаолиятидан иборат, бунда нарса ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хус-ятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади; 4) Тафаккур тил билан узвий алоқада мавжуд бўлади, яъни фикр маънавий ҳодисадир. У фақат тил орқали, моддий ҳодиса (товуш тўлқинларида, график чизиқлар) тарзида реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис

этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади²

Биз ҳам ўз тадқиқотларимизда айнан тафаккурнинг хусусиятларига таянган ҳолда ишларни давом эттирамиз. Масалан тафаккур инсоннинг ижодий фаолиятдан иборат, бунда нарса ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади деган хусусияти айнан биз томондан танланган мавзунини ёритишга асос бўлиб хизмат қилади. Бўлажак ўқитувчиларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантириш учун уларнинг онгига ижод билан боғлиқ ишларнинг мазмун моҳиятини сингдириш вазифаси туради. Бундай ишларни амалга ошириш учун ижод тушунчасига тўхталиш ва уни талабаларга сингдириш методикасини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келади.

Ижод (араб. яратиш, кашф этиш, вужудга келтириш) — бадий, илмий, амалий асар ёки моддий бойликни яратиш, вужудга келтириш. Ижод, моҳиятан, яратувчилик фаолияти бўлиб, инсон маънавиятининг амалдаги кўринишини ифода этади. Ижод инсон фаолиятининг шундай ўзига хос турики, бунда ҳис-туйғу, билим ва тафаккур уйғунлиги асосида моддий ёки маънавий бойлик яратилади. Бу жараёнда инсон илм-фан ва ижод оламида шу пайтга қадар маълум бўлмаган қонунларни кашф этиши, янги усул ёки қоида, андоза ёки модель ихтиро қилиши, оригинал илмий, бадий асар яратиши мумкин. Ижод бадий тафаккур билан боғлиқ бўлса — бадий ижод, илмий тафаккурга оид бўлса — илмий ижод, техник фаолият билан боғлиқ бўлса — техник ижод деб аталади. Яратувчанлик фаолиятининг самараси, яъни инсоннинг бадий, илмий, техник тафаккури маҳсули бўлган илмий ва бадий асарлар, ишланмалар, рационализаторлик ишлари ҳам ижод дейилади. Ижод мураккаб руҳий жараён бўлиб, унда шахс руҳиятининг барча қатламлари иштирок этади. Ижод — меҳнатнинг юксак шакли бўлиб, инсонлар эҳтиёжини қондирадиган ва ижтимоий фойда келтирадиган

²Маънавият: асосийтушунчалар изошли лугати— Т.: ФафурҒуломномидагинашриёт-матбааижодийуйи, 2009. 760 б. Т676 -678 бетлар

меҳнатдир³. Бундай мазмунни англаб етган талабалар ўзларининг устида ишлаш имконияти борлигини англаб етади. Англаш эса тафакurning муҳим белгиларидан бири десак хато қилмаган бўламиз. Ижодий муносабатлар тафаккурига эга бўлганлар

-фикрининг теранлиги,

- фикрнинг тиниқлиги,

- фикрнинг мантиқийлиги,

- фикрнинг эркинлиги,

- фикрнинг мустақиллиги,

- фикрнинг бадиийлиги,

-фикрнинг ижодийлиги каби тафаккур сифатларини ўзларида мужассамлаштиради. Бундай тафаккур сифатларига эга бўлган талабалар аста – секинлик билан ўзларидаги қалб рухиятининг уйғониб бораётганларини ҳис қила бошлайди ва бундан завқланади. Ўз ишларидан завқланиш ҳисси эса уларни яратиш, ижод қилиш, кашфиёт қилишга ундайди. Бунинг оқибатида талабалар маънавий камолот сари қадам ташлайди. Маънавий камолат сари юриш ҳисси талабаларни ибрат олишга чорлайди ва улар ўзлари билмаган ҳолда буюклар ортидан қадам ташлайди. Буюк инсонлар мутафаккирлардир. Тадқиқот жараёнларида Ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк олимлар, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий сингари улуғ адиб ва шоирлар, имом Бухорий, имом Термизий, Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби уламолар, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийлар каби мутафаккирларнинг ижодларини, табиат ва жамиятга, воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатларини ўрганиб, улардан

³Маънавият: асосий тушунчалар изошли лугати— Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. Т, 232 бет.

ибрат олиб эртанги кундаги фаолиятда улардан фойдаланиши ишимизнинг мазмунини боитишга хизмат қилади.

Инсон тафаккури қанчалик мустақил бўлса, унда ташаббускорлик шунчалик тез намаён бўлади. Мустақил тафаккурга эга бўлган инсонгина ўз олдига аниқ мақсадни қўя олади. Қўйилган мақсадга эришиш учун вазифаларни аниқ белгилаб олиш шарт. Мустақил тафаккурга эга бўлган инсонгина вазифаларни амалга ошириш йўлидаги муаммолар ечимини топиши, ниҳоясига етказиш учун зарур бўлган усул ва воситаларни ўзи мустақил белгилай олишини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига муаммо масаласига оид (мулоҳаза, ижод, яратиш, кашф этиш, муомала, муомала одоби, имижеология, жозиа, қиёфа, ижодий тафаккур) каби тушунчаларни сингдиришда мустақил таълим тизимидан фойдаланиш орқали уларга топшириқлар бирилади. Ҳар бир тушунча устида жиддий мушоҳада олиб борилади. “Бахс” усули ёрдамида ҳақиқат аниқланади. Ҳаётий мисоллар билан ўз тасдиғи топилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ш.Мирзиёев. Кунун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт таравдиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2017.21-22-б
2. Маънавият: асосий тушунчалар изошли лугати— Т.: Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. Т 760 бет.
3. Sodiqova, D. (2019). PECULIARITIES OF FORMING CREATIVE ATTITUDE TO THOUGHTS OF STUDENTS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12)*.
4. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Ҳошимов К., С.Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2010.
6. Dilfuza Sodikova Jizzakh State Pedagogical Institute Formation of creative relationship through students using the ough students using

the creativity of eastern thinkers.Mental Enlightenment Scientific-Methodological
Journal